ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИКДА ҚАРЗДОРНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ «TANAIS AERO» ХК ИШИ МИСОЛИДА

Мамадалиев Авволбек Зиёитдинович,
Одил судлов академияси мустақил изланувчиси (DSc),
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
e-mail: avvalbekmamadaliev@gmail.com

Аннотация. Мақолада “Tanais aero” хусусий корхонасига оид суд иши мисолида тўловга қобилиятсизлик муносабатларида қарздорнинг мулкий ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш эҳтимоли ва тугатиш бошқарувчисининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари таҳлил қилинган. Қарздорнинг бошқа ташкилотларга ўтказган маблағлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқларини аниқлаш, уларни тугатиш массасида ҳисобга олиш ва ундириш чораларини кўришга оид ҳуқуқий муаммолар ўрганилган. Бунда мулкий ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, қонуний мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик ва зарар етказишнинг ҳуқуқий асослари ўзаро фарқланган. Суд ишидаги ҳолатлар 2019-2020 йилларда амал қилган банкротлик қонунчилиги ва амалдаги тўловга қобилиятсизлик қоидалари асосида баҳоланган. Таҳлил натижасида тугатиш бошқарувчисининг фаолиятини дебиторлик қарзининг ундирилмаганига қараб эмас, балки талаб қилиш ҳуқуқини аниқлаш, уни амалга ошириш имкониятини баҳолаш ва қабул қилинган қарорни асослаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига қараб баҳолаш таклиф этилган. Шу асосда тугатиш бошқарувчисининг ҳисобдорлиги ва кредиторларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. тўловга қобилиятсизлик, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, қарздорнинг мулкий ҳуқуқлари, дебиторлик қарздорлиги, тугатиш массаси, суд бошқарувчиси, янги очилган ҳолатлар, юридик шахсни тиклаш, кредиторлар ҳуқуқлари.

Кириш

“Tanais aero” хусусий корхонасининг банкротлиги билан боғлиқ суд ишида юридик шахснинг тугатилиши унинг мулкий муносабатлари тўлиқ ҳал этилганини англатмаслигига оид ҳуқуқий масала юзага келган. Корхона банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш тамомланган ва юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилган. Орадан муайян вақт ўтгач, унинг аввалги молиявий фаолияти, бошқа ташкилотларга ўтказилган маблағлар ва қайтарилмаган қарздорлик ҳақидаги маълумотлар тугатиш жараёнининг асослилигини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 20 апрелдаги 4-1401-1903/1688-сонли қарорида қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги суд ҳужжатларини қайта кўриш асослари алоҳида баҳоланган [1]. Суднинг ушбу ёндашуви қарздорнинг тўловга қобилиятсизлигини аниқлаш билан унинг мулкий ҳуқуқлари тўлиқ ҳисобга олинган ҳолда тугатилишини тасдиқлаш ўртасидаги ҳуқуқий фарқни ўрганиш имконини беради.

Тугатиш жараёнида қарздорнинг мол-мулкини аниқлаш унинг банк ҳисобварақларидаги маблағлар, кўчмас мулк ёки бошқа ашёларни рўйхатга олиш билангина якунланмайди. Зероки, юридик шахснинг мулкий активлари таркибига бошқа шахслардан пул

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 20 апрелдаги 4-1401-1903/1688-сонли иқтисодий иш бўйича қарори («Tanais aero» хусусий корхонасига оид иш).

маблағларини қайтаришни, шартномавий мажбуриятларни бажаришни ёки тегишли мол-мулкни топширишни талаб қилиш ҳуқуқлари ҳам кириши мумкин. Бундай ҳуқуқлар бевосита ашёвий шаклга эга бўлмаса-да, муайян иқтисодий қийматни ифодалайди. Уларнинг ҳақиқийлиги ва ундирилиш имконияти текширилмасдан тугатиш жараёни якунланса, кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган активлар ҳисобга олинмай қолади. Шундай экан, қарздорнинг молиявий ҳолатини баҳолашда унинг мавжуд мол-мулки билан бир қаторда, бошқа шахсларга нисбатан сақланиб қолган талаб қилиш ҳуқуқларининг тақдири ҳам аниқланиши зарур.

Масаланинг яна бир баҳсли жиҳати қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқидан қандай фойдалангани билан боғлиқ. Хўжалик фаолияти давомида бошқа ташкилотларга пул маблағлари бериш, қарз муносабатларига киришиш ёки молиявий ёрдам кўрсатишнинг ўзи қонунга зид ҳаракат ҳисобланмайди. Аммо корхона кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш имконияти чекланган шароитда бундай битимларнинг тузилиш сабаблари, маблағларни қайтариш шартлари ва уларнинг қарздор мулкий ҳолатига таъсири жиддий ҳуқуқий баҳолашни талаб қилади. Айниқса, бошқа шахсларга ўтказилган маблағлар қайтарилмаган, улар бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари ҳисобга олинмаган ёки ундириш чоралари кўрилмаган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳаракатларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш аломатлари мавжудлигини текширишга асос пайдо бўлади.

Айни пайтда дебиторлик қарздорлигининг ундирилмаганини ҳар қандай ҳолатда мулкий ҳуқуқни суиистеъмол қилиш билан боғлаш тўғри бўлмайди. Қарз олувчининг тўловга қобилиятсизлиги, шартномавий мажбуриятнинг бузилиши, иқтисодий таваккалчилик ёки раҳбарнинг бошқарувдаги камчиликлари турли юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳақидаги хулоса эса қарздор ёки унинг раҳбари ўз ваколатларидан кредиторларнинг мулкий манфаатларини чеклаш мақсадида фойдалангани тегишли далиллар билан тасдиқланишини талаб этади. Бу ерда тугатиш бошқарувчисининг фаолияти ҳам мустақил баҳоланиши лозим. Чунки унинг қарздор активларини аниқлаш, дебиторлик талабларини текшириш ва уларни ундириш бўйича мажбуриятларни қандай бажаргани тугатиш массасининг тўлиқ шакллантирилишига бевосита таъсир кўрсатади.

“Tanais aero” ишини ўрганишдан мақсад қарздорнинг бошқа юридик шахсларга маблағ ўтказиши билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини, қайтарилмаган маблағлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқларининг тугатиш массасидаги ўрнини ҳамда уларнинг ҳисобга олинмаслигига олиб келган ҳолатларни аниқлашдан иборат. Таҳлилда қарздор раҳбарининг мулкий ваколатлари ва тугатиш бошқарувчисининг қонуний мажбуриятлари ўзаро солиштирилиб, уларнинг ҳаракатларига фуқаролик-ҳуқуқий баҳо бериш мезонлари ишлаб чиқилади. Шунинг баробарида, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришнинг процессуал асослари ўрганилади. Тадқиқот якунида қарздорнинг мулкий ҳуқуқларидан суиистеъмол қилиш ҳолатларини аниқлаш, дебиторлик талабларининг тугатиш жараёнида тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш ва кредиторларнинг бузилган мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик таклифларини асослаш назарда тутилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда суд амалиётини таҳлил қилиш, формал-юридик ва тизимли-ҳуқуқий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Асосий эътибор “Tanais aero” хусусий корхонасининг банкротлиги билан боғлиқ суд низосига, қарздорнинг молиявий операциялари ва тугатиш бошқарувчиси фаолиятига ҳуқуқий баҳо беришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 20 апрелдаги 4-1401-1903/1688-сонли қарори тадқиқот учун асосий суд ҳужжати сифатида

танланди. Унда кўриб чиқилган низони ўрганишда 2018 йилдаги пул ўтказмалари, 2019 йилда корхонанинг банкрот деб топилиши ва 2020 йилда тугатишга доир иш юритишнинг тамомланиши ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқликка эътибор берилди. Солиқ органи келтирган важлар, тергов материалларидаги маълумотлар ва суд инстанцияларининг хулосалари алоҳида таҳлил қилиниб, уларнинг қарздор мол-мулкини аниқлаш ҳамда тугатиш жараёнининг қонунийлигини баҳолашдаги аҳамияти ўрганилди.

Қарздорнинг мулкий ҳуқуқлари ва тугатиш бошқарувчиси мажбуриятларини баҳолашда ҳуқуқ нормаларининг вақт бўйича амал қилиши ҳисобга олинди. Шу мақсадда 2019–2020 йилларда амал қилган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 128-моддасида белгиланган тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 130-моддасидаги тугатиш массасини шакллантириш, 139-моддасидаги бошқарувчи фаолиятини назорат қилиш, 142-моддасидаги якуний ҳисобот ҳамда 144-моддасидаги тугатишга доир иш юритишни тамомлаш қоидалари таҳлил қилинди. Мазкур нормалар асосида тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг учинчи шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларини аниқлаш, дебиторлик қарздорлигини ундириш чораларини кўриш ва тугатиш ҳисоботида тегишли маълумотларни акс эттириш бўйича ўз мажбуриятларини қай даражада бажарганини баҳолаш мезонлари белгиланди.

Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш эҳтимоли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддасида белгиланган фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш чегаралари, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласи эса 14-модда қоидалари асосида ўрганилди. Таҳлилда қарздор томонидан бошқа ташкилотларга маблағ ўтказилиши, ушбу маблағларни қайтариш мажбуриятининг бажарилмаслиги ва мавжуд дебиторлик талабларининг тугатиш жараёнида ҳисобга олинмаслиги бир-биридан фарқланди. Пул маблағларининг қайтарилмагани ўз-ўзидан ҳуқуқни суиистеъмол қилишни англатмаслиги инобатга олиниб, қарздор раҳбарининг мол-мулкни тасарруф этишга оид ҳаракатлари ва тугатиш бошқарувчисининг эҳтимолий ҳаракатсизлиги уларнинг қонуний ваколатлари ҳамда мажбуриятлари доирасида баҳоланди. Бунда муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ҳуқуққа зидлиги, унинг кредиторлар мулкий манфаатларига таъсири ва юзага келган зарар билан сабабий боғлиқлигига эътибор қаратилди.

Тизимли-ҳуқуқий таҳлил усули 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунда белгиланган механизмларни баҳолашда қўлланилди. Хусусан, Қонуннинг 23 ва 25-моддаларидаги суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, 144-моддасидаги тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари, 146-моддасидаги тугатиш массасини шакллантириш, 155-моддасидаги бошқарувчи фаолиятини назорат қилиш, 158-моддасидаги якуний ҳисобот ҳамда 160-моддасидаги тугатишга доир иш юритишни тамомлаш қоидалари ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилди. Ушбу нормалар “Tanais aero” корхонасига нисбатан 2019–2020 йилларда амалга оширилган тугатиш жараёнининг ҳуқуқий асоси сифатида эмас, балки мазкур суд иши мисолида юзага келган масалаларнинг амалдаги қонунчиликда қандай тартибга солинганини аниқлаш учун қўлланилди. Шу асосда қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини аниқлаш, уларни тугатиш массасида ҳисобга олиш, суд бошқарувчисининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ва унинг жавобгарлигини белгилашга оид қоидаларнинг ўзаро мувофиқлиги баҳоланди.

Тадқиқот натижалари

“Tanais aero” ХК банкротлигига оид суд иши материалларига кўра, солиқ органи корхонани соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисида иқтисодий судга мурожаат қилган. Солиқ органи ўз аризасида корхонанинг банк ҳисобварақларида пул маблағлари, шунингдек, ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслигини, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида эса қарздорлиги борлигини билдирган.

Ушбу ҳолатлар асосида Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2019 йил 19 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан корхона банкрот деб топилиб, унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси тайинланган.

Тугатиш жараёни якунлангач, бошқарувчининг якуний ҳисоботи Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2020 йил 28 сентябрдаги ажрими билан тасдиқланган. Шундан сўнг, 2020 йил 30 сентябрда корхона юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилган. Орадан муайян вақт ўтгач, корхонанинг аввалги молиявий фаолиятига оид маълумотлар аниқланиб, тугатиш жараёнида қарздорга тегишли барча мулкий ҳуқуқлар ҳисобга олинганми, деган масала юзага келган.

Солиқ органи тақдим этган маълумотларда 2022 йил 8 январда корхона раҳбари ва тугатиш бошқарувчисига нисбатан жиноят иши қўзғатилгани қайд этилган. Тергов материалларига кўра, 2018 йилда авиачипталар савдосидан корхонанинг банк ҳисобварағига келиб тушган маблағлар солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилмаган. Бундан ташқари, корхона томонидан “Мобил-Сервис” МЧЖ ва “Карат Сервис Люкс” МЧЖга молиявий ёрдам сифатида ўтказилган маблағларнинг бир қисми қайтарилмагани билдирилган. Солиқ органи ушбу маълумотларга таяниб, қарздорнинг бошқа ташкилотларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари тугатиш жараёнида тўлиқ аниқланмаган бўлиши мумкинлигини важ сифатида келтирган.

Шу асосда солиқ органи корхонани банкрот деб топиш ҳақидаги 2019 йил 19 сентябрдаги ҳал қилув қарорини ҳамда тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги 2020 йил 28 сентябрдаги ажримни қайта кўришни сўраган. Самарқанд шаҳар иқтисодий суди 2023 йил 6 февралдаги ажрими билан ушбу аризани қисман қаноатлантирган. Жумладан, корхонани банкрот деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини бекор қилиш рад этилган, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажрим эса бекор қилиниб, юридик шахсни давлат реестрига тиклаш белгиланган.

Биринчи инстанция судининг қарорига нисбатан берилган шикоятлар кейинги суд инстанцияларида ҳам кўриб чиқилган. Самарқанд вилоят суди 2023 йил 3 мартдаги қарори билан аввалги ажримни ўзгаришсиз қолдирган. Кассация шикоятида эса жиноят иши қўзғатилганининг ўзи суд ҳужжатини қайта кўриш учун етарли асос бўлмаслиги, қолаверса, солиқ органи корхонанинг молиявий операцияларига оид маълумотларни илгари ҳам олиш имкониятига эга бўлгани ҳақида эътирозлар билдирилган. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати 2023 йил 20 апрелдаги 4-1401-1903/1688-сонли қарори билан кассация шикоятини қаноатлантирмаган ва қуйи судлар қабул қилган ҳужжатларни ўзгаришсиз қолдирган.

Кўриб чиқилган иш натижасида корхонанинг банкрот деб топилгани ҳақидаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолган, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажрим эса бекор қилинган. Суд ҳужжатларининг бундай натижаси қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги билан унинг тугатиш жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган мулкий ҳуқуқлари ўзаро фарқланишини кўрсатади. Айни пайтда, суд материалларида қайтарилмаган маблағлар ҳақида маълумотлар келтирилган бўлса-да, қарздор раҳбари ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан ҳуқуқни суиистеъмол қилиш содир этилгани мустақил моддий-ҳуқуқий хулоса сифатида аниқланмаган. Шу боис мазкур ҳолатлар суд томонидан тасдиқланган ҳуқуқбузарлик сифатида эмас, балки қарздорнинг мулкий ҳуқуқлари ва тугатиш бошқарувчисининг мажбуриятларига фуқаролик-ҳуқуқий баҳо бериш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар сифатида қаралиши лозим.

Натижалар таҳлили ва муҳокама

Тўловга қобилиятсизлик муносабатларида қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи кредиторларнинг мулкий манфаатлари билан узвий боғлиқ. Корхона хўжалик фаолияти давомида бошқа ташкилотларга маблағ ўтказиши, молиявий ёрдам кўрсатиши ёки шартномавий мажбуриятлар қабул қилиши мумкин. Бундай операцияларнинг ўзи қонунга зид ҳисобланмайди. Уларнинг ҳуқуқий хусусияти маблағларни ўтказиш асослари, тарафларнинг мажбуриятлари ва операциялардан кўзланган мақсадга қараб белгиланади. Агар маблағлар қайтариш шарти билан берилган бўлса, корхонада уларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Қарздор тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда эса ушбу ҳуқуқнинг сақланиб қолгани ва уни кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун амалга ошириш имконияти алоҳида аҳамият касб этади.

Талаб қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги уни тўлиқ ҳажмда ундириш мумкинлигини англатмайди. Дебиторнинг молиявий аҳволи, мажбуриятни бажариш муддати, шартномавий эътирозлар ва ундириш билан боғлиқ харажатлар талабнинг ҳақиқий иқтисодий қийматига таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, маблағларни қайтаришда қийинчиликлар юзага келгани талаб қилиш ҳуқуқини текширмасдан ҳисобдан чиқариш учун етарли асос бўлмайди. Тугатиш бошқарувчиси бундай ҳуқуқнинг мавжудлигини аниқлаши, уни амалга ошириш имкониятларини ўрганиши ва қабул қилган қарорини тегишли далиллар билан асослаши лозим. Бинобарин, бошқарувчининг фаолиятини баҳолашда дебиторлик қарзи ундирилмаганининг ўзи эмас, балки уни ундириш юзасидан қандай чоралар кўрилгани ва уларнинг етарлилиги асосий мезон бўлиши керак.

“Tanais aero” корхонасининг тугатилиши даврида амал қилган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 130-моддасида қарздорнинг бухгалтерия балансида акс эттирилган ёки акс эттирилмаган активларини тугатиш массаси таркибида ҳисобга олиш назарда тутилган. Ушбу норма қарздор мол-мулкини аниқлашда фақат бухгалтерия ҳисоботлари билан чекланмасликни талаб этади. Чунки юридик шахснинг мулкий активлари қаторига банк ҳисобварақларидаги маблағлар ва ашёлардан ташқари, бошқа шахсларга нисбатан мавжуд талаб қилиш ҳуқуқлари ҳам киради. Агар бундай ҳуқуқларнинг келиб чиқиш асослари сақланиб қолган бўлса, уларнинг ҳисоботда акс эттирилмагани юридик аҳамиятини йўқотмайди. Аксинча, тугатиш бошқарувчиси уларни аниқлаш, ҳуқуқий асосларини текшириш ва ундириш имкониятларини баҳолаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариши зарур.

Қарздорнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш билан уларни суиистеъмол қилиш ўртасидаги чегара Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддаси асосида баҳоланиши мумкин. Мазкур моддага кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилмаслиги лозим. Қарздор ўз мол-мулкини тасарруф этиш ваколатидан кредиторларнинг қонуний талабларини қаноатлантиришга тўсқинлик қилиш ёки активларни уларнинг ундирувидан қасддан четлаштириш мақсадида фойдаланган бўлса, бундай ҳаракатларга ҳуқуқни суиистеъмол қилиш нуқтаи назаридан баҳо берилиши мумкин. Бунинг учун операцияларнинг шартномавий асослари, уларни амалга оширишдан кўзланган мақсад, раҳбарнинг тегишли ҳолатлардан хабардорлиги ва кредиторларнинг мулкий манфаатларига етказилган таъсир ўртасидаги боғлиқлик аниқланиши керак.

Айни пайтда, қарздорнинг ҳар қандай муваффақиятсиз хўжалик операциясини ҳуқуқни суиистеъмол қилиш билан боғлаш асосли эмас. Маблағларнинг қайтарилмаслиги шартномавий мажбуриятнинг бажарилмаслиги, дебиторнинг тўловга қобилиятсизлиги ёки тадбиркорлик таваккалчилиги натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Худди шундай, бухгалтерия

ҳисоботидаги камчиликлар ҳар доим ҳам мол-мулкни қасддан яширишни англатмайди. Шу сабабли “Tanais aero” ишида қайд этилган операцияларга ҳуқуқий баҳо беришда суд томонидан аниқланган ҳолатлар билан улар асосида илгари сурилаётган илмий хулосаларни фарқлаш зарур. Олий суднинг ушбу иш бўйича қарорида Фуқаролик кодексининг 9-моддаси асосида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолати мустақил равишда аниқланмаган. Демак, қарздор раҳбарининг ҳаракатларида бундай ҳуқуқбузарлик белгилари мавжудлиги ҳақидаги масала суднинг бевосита хулосаси эмас, балки мустақил фуқаролик-ҳуқуқий таҳлил предметидир.

Қарздор раҳбарининг мол-мулкни тасарруф этишга оид ваколатлари билан тугатиш бошқарувчисининг мажбуриятлари ҳам ўзаро фарқланади. Илгари амал қилган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 128-моддасига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси тайинланганидан кейин қарздорнинг ишларини бошқариш ва мол-мулкини тасарруф этиш ваколатлари унинг зиммасига ўтган. Шундан келиб чиқиб, корхона раҳбарининг аввалги битимларни тузишга оид қарорлари билан бошқарувчининг ушбу битимлар натижасида вужудга келган мулкий талабларни аниқлаш ва ундириш бўйича фаолияти алоҳида баҳоланиши лозим. Раҳбарнинг эҳтимолий ҳуқуқбузарлиги бошқарувчининг жавобгарлигини автоматик равишда келтириб чиқармаганидек, бошқарувчининг мажбуриятларни лозим даражада бажармагани ҳам аввалги молиявий операциялар қонунга зид бўлганини исботламайди.

Тугатиш бошқарувчисининг қонуний мажбуриятларни бажармагани билан ўз ваколатларини суиистеъмол қилгани ҳуқуқий мазмунига кўра бир хил эмас. Қарздорга тегишли дебиторлик талабининг ҳисобга олинмагани бошқарувчи фаолиятида камчилик мавжудлигини кўрсатиши мумкин. Аммо бу ҳолатнинг ўзи унинг кредиторларга зарар етказиш мақсадида ҳаракат қилганини тасдиқламайди. Бошқарувчи тегишли мулкий ҳуқуқнинг мавжудлигидан хабардор бўлганми, уни аниқлаш имкониятига эга бўлганми ва қандай мажбуриятни бажармагани текширилиши зарур. Агар у талаб қилиш ҳуқуқини билган ҳолда кредиторларнинг мулкий манфаатларига зид мақсадда яширган ёки уни амалга оширишдан атайлаб воз кечган бўлса, ваколатдан суиистеъмол қилиш масаласи юзага келади. Бундай мақсад исботланмаган ҳолларда эса бошқарувчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги қонуний мажбуриятларни бажариш талаблари нуқтаи назаридан баҳоланади.

Бошқарувчининг ҳаракатлари натижасида мулкий зарар келиб чиққан бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш қоидаларини қўллаш масаласи юзага келиши мумкин. Бунда қарздорга қайтарилмаган маблағларни кредиторларга етказилган зарар билан тўғридан-тўғри тенглаштириш мумкин эмас. Зарарнинг мавжудлиги ва миқдорини аниқлаш учун тегишли талаб қилиш ҳуқуқининг ҳақиқий қиймати, уни ундириш имконияти ҳамда бошқарувчининг ҳуқуққа зид ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан юзага келган мулкий йўқотиш ўртасидаги сабабий боғлиқлик текширилиши лозим. Масалан, ўз вақтида ундириш чоралари кўрилмагани сабабли амалда ундирилиши мумкин бўлган талабни амалга ошириш имконияти йўқотилган бўлса, ушбу ҳаракатсизликнинг мулкий оқибатлари бошқарувчининг жавобгарлигини белгилашда ҳисобга олиниши мумкин. Шу билан бирга, мажбуриятнинг бузилгани ва айнан шу бузилиш натижасида зарар етказилгани ишончли далиллар билан тасдиқланиши керак.

Қарздорнинг банкрот деб топилишидан олдин тузган битимларига ҳуқуқий баҳо беришда қонун нормаларининг вақт бўйича амал қилиши ҳам ҳисобга олиниши зарур. “Tanais aero” корхонасининг 2018 йилдаги пул ўтказмаларига нисбатан 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-763-сонли «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуннинг 63-68-моддаларини бевосита қўллаб, уларни ҳақиқий эмас деб баҳолаш тўғри бўлмайди. Молиявий операцияларнинг ҳуқуқий мақоми битимлар тузилган даврда амал қилган қонунчилик ва

шартномалар мазмуни асосида аниқланиши лозим. Қолаверса, маблағларнинг бошқа шахсларга ўтказилгани ёки кейинчалик қарздорнинг банкрот деб топилгани бундай битимларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун мустақил асос бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 23 ва 25-моддалари суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини, 144 ва 146-моддалари эса тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари ва тугатиш массасини шакллантиришга оид муносабатларни тартибга солади. Ушбу нормалар бошқарувчининг қарздорга тегишли мулкий ҳуқуқларни аниқлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларини текшириш ва кредиторлар манфаатларида амалга ошириш бўйича фаолиятини баҳолаш имконини беради. Айниқса, дебиторлик талабининг ундирилмагани билан бошқарувчининг уни ундиришга оид мажбуриятларни бажармаганини фарқлаш зарур. Биринчи ҳолат талабнинг ҳуқуқий ва иқтисодий хусусиятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчиси бошқарувчининг муайян ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо беришни талаб қилади.

Тугатиш бошқарувчисининг ҳисобдорлигига оид масалалар амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 155, 158 ва 160-моддалари билан ўзаро боғлиқ. Уларда бошқарувчининг ҳисобот тақдим этиши, якуний ҳисоботи ва тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тартиби белгиланган. Ушбу қоидаларни "Tanais aero" ишида юзага келган ҳуқуқий муаммо билан боғлаб таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бошқарувчининг ўз мажбуриятларини бажарганини фақат реализация қилинган мол-мулк ёки қаноатлантирилган кредиторлик талаблари асосида баҳолаш етарли эмас. Қарздорнинг учинчи шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари аниқлангани, уларнинг ундирилиш имкониятлари ўрганилгани ва ундирилмаган талаблар бўйича қабул қилинган қарорлар қандай асосланган ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Шу ўринда амалдаги ҳуқуқий тартибнинг аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳати мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 155-моддасида учинчи шахсларга нисбатан қўйилган талаблар ҳақида маълумот бериш назарда тутилган бўлса-да, аниқланган, аммо ундириш чоралари кўрилмаган ёки ундирилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб топилган дебиторлик талаблари бўйича қабул қилинган қарорларнинг асосларини алоҳида кўрсатиш мажбурияти етарлича аниқ ифодаланмаган. Бу эса муайян талаб нима сабабдан ундирилмаганини баҳолашни қийинлаштиради. Бошқарувчи унинг мавжудлигини аниқламаганми, ундиришга ҳуқуқий ёки иқтисодий тўсиқлар бўлганми ёхуд тегишли чораларни кўришдан асоссиз воз кечганми ушбу ҳолатларни ҳисоботдаги умумий маълумотлар асосида фарқлаш имконияти чекланади. Оқибатда бошқарувчининг қонуний мажбуриятларни лозим даражада бажарганини аниқлаш ва унинг эҳтимолий фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигига баҳо бериш мураккаблашади.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунининг 155-моддасида тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботида аниқланган дебиторлик талабларининг келиб чиқиш асослари, бажарилиш муддатлари, ундириш бўйича кўрилган чоралар ҳамда ундирилмаган талаблар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг сабабларини кўрсатиш мажбуриятини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундай талаб барча дебиторлик қарзларини тугатиш жараёни якунлангунига қадар тўлиқ ундириш шартлигини англатмайди. Айрим талабларни амалга ошириш ҳуқуқий ёки иқтисодий сабабларга кўра имконсиз ёхуд самарасиз бўлиши мумкин. Асосий эътибор

талабнинг ундирилмаганига эмас, балки бошқарувчи унинг мавжудлигини аниқлагани, ундириш имкониятини баҳолагани ва қабул қилган қарорини асослаганига қаратилиши керак.

Шунингдек, ушбу ёндашувни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 158 ва 160-моддалари билан мувофиқлаштириш зарур. Агар якуний ҳисоботда кредиторлар талабларини қаноатлантиришга таъсир қилиши мумкин бўлган мулкий ҳуқуқлар бўйича бошқарувчининг ҳаракатлари етарлича асосланмаган бўлса, тегишли маълумотларни тўлдиришни талаб қилиш ёки ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш шартларини қонунчиликда аниқ белгилаш таклиф этилади. Бундай тартиб ҳар қандай ундирилмаган қарз сабабли тугатиш жараёнини асоссиз чўзишга эмас, балки қарздорнинг мулкий ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса

“Tanais aero” хусусий корхонасига оид суд ишининг таҳлили қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги унинг барча мулкий ҳуқуқлари тугатиш жараёнида тўлиқ аниқланганини англатмаслигини кўрсатди. Қарздорнинг бошқа ташкилотларга ўтказган маблағлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари сақланиб қолган бўлса, уларни аниқлаш, тугатиш массасида ҳисобга олиш ва ундириш имкониятларини баҳолаш тугатиш бошқарувчисининг қонуний мажбуриятлари доирасида кўриб чиқилиши лозим. Мазкур ишда айнан ушбу ҳуқуқларнинг ҳисобга олиниши ва улар бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ҳуқуқий баҳсга сабаб бўлган.

Тадқиқот натижасида қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқидан суиистеъмол қилиши фақат активларни бошқа шахсларга ўтказишда эмас, балки ушбу операциялардан келиб чиққан талаб қилиш ҳуқуқларини кредиторлардан қасддан яшириш ёки уларни амалга оширишга атайлаб тўсқинлик қилишда ҳам намоён бўлиши мумкин, деган хулосага келинди. Шу билан бирга, тугатиш бошқарувчисининг мулкий талабларни ҳисобга олмагани ўз-ўзидан ҳуқуқни суиистеъмол қилишни исботламайди. Бундай ҳуқуқий баҳо беришда шахснинг мажбуриятлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг мақсади, унинг ҳуқуққа зидлиги ва кредиторларга етказилган мулкий оқибатлар ўртасидаги боғлиқлик аниқланиши зарур.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 155-моддасида тугатиш бошқарувчиси аниқланган дебиторлик талабларининг ҳуқуқий асослари, бажарилиш муддати, ундириш бўйича кўрилган чоралар ва ундирилмаган талаблар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг сабабларини ҳисоботда алоҳида кўрсатиши шартлигини белгилаш таклиф этилади. Бу ўзгартиш мулкий талабларнинг ҳисобга олинмаслиги билан уларни ундиришдан асосли воз кечиш ҳолатларини фарқлаш, бошқарувчининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва кредиторлар назоратини кучайтириш имконини беради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг 158 ва 160-моддаларида тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботини баҳолашда қарздорнинг ундирилмаган дебиторлик талаблари бўйича кўрилган чораларнинг асослилигини текшириш талабини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Агар кредиторлар талабларини қаноатлантиришга таъсир қилиши мумкин бўлган мулкий ҳуқуқлар юзасидан бошқарувчининг ҳаракатлари етарлича асосланмаган бўлса, ҳисоботни тўлдиришни талаб қилиш ёки уни тасдиқлашни рад этиш асослари қонунда назарда тутилиши лозим.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги тугатиш бошқарувчисининг фаолиятини баҳолашда дебиторлик қарзининг ундирилмаганини эмас, балки талаб қилиш ҳуқуқини аниқлаш, унинг

ундирилиш имкониятини баҳолаш ва қабул қилинган қарорни асослаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мустақил ҳуқуқий мезон сифатида белгилаш таклифида намоён бўлади. Ушбу ёндашув ҳуқуқни суиистеъмол қилишни оддий мажбурият бузилишидан фарқлаш, бошқарувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини асосли белгилаш ва кредиторларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 20 апрелдаги «Tanais aero» хусусий корхонасига оид 4-1401-1903/1688-сонли иқтисодий иш бўйича қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 474-II-сонли Қонуни таҳриридаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (2019–2020 йилларда амалда бўлган таҳрир). 128, 130, 139, 142, 144-моддалар. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/955375

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (биринчи қисм). 1995 йил 21 декабрь. 9, 14-моддалар. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/111189

4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-763-сонли «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонуни. 23, 25, 63–68, 144, 146, 155, 158, 160-моддалар. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/5957612